



СССР ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН.

18 февраль 1970 йил, чоршанба ♦ № 40 (14.506). ♦ Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИНЧА МЕХНАТ ВАХТАСИДА



БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМЛАРИ

САНОАТИМИЗНИНГ
МАРДИ МАЙДОНЛАРИ

КАСБГА МЕХР



Партия ташкилотининг секретари-
нинг олдига кирди. У махсус
машинани эшитди-да, бир зум уйла-
ниб қолди.

— Ишчи ҳақида ёзма қўғишлар-
лар: Карвонбоши ишчиларданми?
Бор. Қодир ака Исҳоқов. Ғеъли
кенг, одил, ташаббускор. Ажойиб
одам.

Шу кунги Қодир ака хусусида
партиком билан ҳам ва яна бошқа
кишилар билан ҳам суҳбатлаш-
дик. Уларнинг ҳаммаси келишди
қўйгандек бир гапни такрорлар-
ди. «Жуда ажойиб одам». Ҳамма
унинг иши, одамийлиги ҳақида
тўлиб-тошиб сўзларди.

Г. Сочининг — завод партия
ташкилотининг секретари:

— Ер дегиниб турган кунлар
эди. Тошкентликларга кўпроқ уй
керак. Маслаҳатлашамиз деб ҳов-
лида йиллаш ўтказдик. Ҳамма
жам. Таъга ташласа ерга туша-
гудек. Минбағга нотиклар-
нинг бири кириб бери тушди.
Ҳаммининг гапи бир мазмунда
эди: кунига пландан ташқари
йиррик панел деворлари ва шифт-
ларни таъбирлаш.

— Яна гапирадиганлар борми,
— дедим махлис ахлгва.

— Бор.

Бу Қодир ака эди. Тўғриси
айтиш керак. Бир оз ажабланда.
Айтадиган гаплар ўртага ташлаб
бўлиди. Нимани гапирмоқчи?

Қодир ака допилаб ўртага
чикди. Ишчиларнинг кайфиятини
билмоқчидай атрофга алағлаб
олди-да, гапга оғиз жуфтлади.

— Иш куниндан қандай фойда-
ланиш ихтиёрийида. Бараканинг
отаси меҳнат. Лекин ўзимиз бош-
панасиз қолганларга нима берсам
бердик. Шунинг билан бўлди.
Йўқ демасанглар, битта тақлим
бор. Қодир ака билан олиш кунини
иш кунини қилсам.

Қодир ака қарсаққа қўмилиб
кетди.

Дам олиш кунининг бригадаси
ўрта хисобда танхона 120
сўмдан бўлган. 14 та йиррик панел
шифт тайёрлади.

А. Хосинов — завод директо-
ри ўринбосари.

— Зарур иш бор эди. Бир кун
иш заводида барвақт келдим. Қара-
сам Қодир ака чойхонада ўтириб-
ди. Ҳа дедим, тушунгизга ишхона
кириб чиққанми?

Қудди.

— Ким вақтни келадиганини ҳи-
соблаб ўтирибман. Сизларни бил-
майман-у, ишчилар кеч қолса
бригадага қимматга тушади.

Кейин гапнинг даромадига кўч-
ди.

— Қолиплар вақтида бўшама-
ганидан бозан иккинчи сменада
иш тўхтаб қоларди. Бетон хали
қуришдан бўлади. Шунинг ҳисоб-
лаб чиқдик. Эртаскор келиб қо-
липларни тазалаб, мойлаб қўйсак
иш тез кетаркан. Иккинчи смена-
да ҳам бўшайди. Ҳар икки сменада
шунинг ҳисобдан тежалган вақт мўл-
жалдагиса қўшма икки та панел
деган гап.

Мен ўшанда Қодир акани шу-
чаллик барвақт келишига таянқуб-
дим.

ланиб адишган эканман. Қодир
ака доимо ишга эрта кел-
аркан. Қачон вақтли келсам, уни
заводда кўраман.

С. Бегматов — ётиқ панел тай-
ёрлаш цехи бошлиғи:

— Қодир ака дам олиш кунини
шаҳар айланиб келди. Чилонзор-
даги Д—20 ва В—15 кварталлари-
га, трактор заводидаги қурилиш-
га, Қўйлик уй-жой массивига бо-
рибди. Корхонамиз махсусоти-
нинг кичикини тақдир билан қизи-
қибди. Қайтиб келиб айтган гапи
шу бўлди.

Қилётган ишнинг салмоғи
яхшироқ, сифати пастроқ.
Шундан буён унинг бригадаси
тайёрлаган махсусотлар асосан
азло сифатли бўляпти. Утган йили
бу бригада хомаси хисобда минг-
га яқин икки хонали квартира-
нинг шифтини тайёрлади.

О. Умаров — катта диспетчер:
Мени бу ерга Қодир ака олиб
келган. Анча вақт бирга ишладик.
Жуда шогирд парвар. Иш ўрта-
тишдан зерикмайди. Ҳозир Қо-
дир аканинг бригадасида меҳнат
қилиб иш ўртанган йилларни за-
воднинг ҳамма участкасида учра-
тасиз. А. Юлдошев мастер, В.
Широкоев тўртинчи разрядли бе-
тончи... Яқинда Қодир ака ўғлини
ҳам ишга олиб келди. Унинг қўли
енгли. Бригадасидеги ишчилар тез
учирма бўлиб кетади. Қодир ака
яна йилларни қабул қилади. Ҳозир
тажрибали бригадасида бошлиғи
билан ҳамкамдам ишлайётган Насим-
жон Жўраев, Пётр Жукович, Аб-
дурашид Исмаилов ҳам иш-
пар. Бетончиликда энди атак-ке-
ча қилиб келишяпти.

Йиррик панелли биринчи уйсоз-
лик комбинатининг биринчи заво-
ди ётиқ панел тайёрлаш цехи-
га кириб бордин. Қодир ака
иш бошида экан. Қўлида андава,
қолига ётиқпанел бетонни пар-
дозлапти. Гаплайшдик. Қодир ака
Исҳоқовнинг меҳнат йўли ҳавас
қилса арзигulik. Калинин райони-
да колхозда ишлади. Фарҳод
ГЭСини қуришда, Паровоз тўго-
нини тиклашда кетганлиги. 11 йил-
дан буён уйсозлик заводида.
Зилзила оқибатларини тугатишда
яхши ишлаганлиги учун Ленин
ордени билан мукофотланди.

Сўхбатлашув завод ҳовлиси-
га чиқдик. Панел махсусотлар та-
шишга мослаштирилган МАЗлар
турна қатор. Қўллангилари кор-
хона дарвозасидан чиқиб шаҳар
маркази томон йўл оляпти. Қо-
дир ака бу машиналарга меҳр
билан қараб қолади.

— Янги уйлар кетаяпти. Ҳа де-
май янги хонадонларда ҳовли
тўйи бўлади.

Бу сўзларда унинг касбидан,
қилётган ишдан фахрланиши,
ўз меҳмати билан кишилар қел-
бидан жой олаётгани, из қолди-
раётганлигини қониқлиқ хисси
ифодасини топанг эди.

С. МУХИДДИНОВ.
Тошкент.

Бекобод металлургиялари
билан Мирзачўлдаги Ленин
номли совхоз пахтакорлари-
нинг издошлари кўпаймоқда

Республикамиз қишлоқ
хўжалигида техника
ремонти қизғин



И Л Ф О Р Т А Ж Р И Б А — О М М А Г А

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРАВЕРАМИЗ

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети XVII пле-
нумининг «Республикада пах-
тачиликни янада ривожланти-
риш тадбирлари тўғрисида»
қарар қилган қарорда барвақт
ва сифатли ўтказилган кўзга
шудгорнинг пахта ҳосилдорли-
гини оширишда бебаҳо аҳа-
мияти борлиги таъкидлаб ўтил-
ди.

Ҳа, барвақт ва сифатли ўт-
казилган шудгорнинг ҳислати
натта. Биз бунинг қатор йилла-
дан бери ўз тажрибамизда об-
сониб синаб кўришимиз. 1968
йили шудгор анча ке-
чиниб, ерлар асосан янгар ва
февраль ойларига қайтарил-
гани сабабли ҳосилдорлик ҳам
паст бўлган эди.

Колхоз раҳбарлисини ва пар-
тия ташкилотини ҳосилдорлигини
ошириш, деҳқончилик мадания-
тини кўтариш ҳақида мутахас-
сислар билан маслаҳатлашиб,
бу масалалар юзасидан бир
қанча амалий тадбирлар бел-
тиладик. 1967 йилдан бош-
лаб ерларни шудгорлаш асо-
сан ноябрь ва декабрь ойлари
ичида — «узғи» билан 15-20
кун мобайлида ўтказилган бўлди.

Шудгорлашдан олдин
далаларга минерал ва маҳал-
лий ўғитлар солинди. Масалан,
1967 йилда колхозимизда тул-
роқ картограммаси асосида
майдошларга фосфор солиб,
чуқур шудгор: қилганлигимиз
туфайли ҳосилдорлик гектар
боқига ундан олдинги йилдаги-
га нисбатан 3 центнер кўнайди.

1968 йилда эса кўзга шудгорни
жуда барвақт — 15 декабрдаёқ
сифатли тугалладик. Бунинг
самараси беқиёс катта бўлди.

Уша йили ҳар гектар майдо-
дан қутарган ҳосил хирмони-
дан 34,4 центнерни ташкил
этиди.

Маълумки, 1969 йил деҳқон-
чилик, хусусан, пахтачиллик
учун жуда юқуқай йил бўлди.
Баҳорнинг гўяг ўқар ва иккинчи
келиши устига, биз ҳам анча сал-
қин келди. Шундай бўлса-да,
ўз вақтида ва юқори агротехни-
ка қондалари асосида ўтказил-
ган сифатли кўзга шудгор биз-
га натижа мадал берди. Шундай
юқуқай об-ҳаво шароитида ҳам
барча майдошларда мўл-кўл ҳо-
сил етиштиришга муваффақ
бўлдик. 2-минг 80 гектар май-
доннинг ҳар гектаридан план-
даги 32,3 центнер ўрнига 35,1
центнердан пахта териб олдик.
Давлат оғборларига 7 минг 118
тонна «тоғ олтин» тўқилди. Бун-
дан 3 минг 500 тоннаси қим-
матбаҳо ингичка толади пахта-
дир. Етиштирилган ҳосилнинг
2 минг 607 тоннаси машиналар
билан териб олинди. Меҳаник-
ҳайдовчилардан Эшқобил Чори-
ев, Юлдош Абдуназаров, Тўра-
қул Мейлигулов ўрқонларнинг
ҳар бири мавсумда 200-270
тоннадан пахта териб, донг та-
риқланди. Колхозимизда 24 та
терим агрегатининг ҳар бири
билан мавсум давомида ўрта
ҳисобда 120 тоннадан пахта те-
риб олинди.

Оқтепа массивидаги Эшму-
мин Юлдошев бошлиқ бригада
аъзолари ҳар гектар майдондан
планди 33 центнер ўрнига 46
центнердан хирмон кўтарди-
лар. Шунингдек, кўзга шудгор-
ни юқори сифатли ва қисқа
муддатда ўтказган Жонобиёл
Эргашев бошлиқ, Малла Жума-
ев бошлиқ бригада аъзолари
ҳам ҳар гектар майдондан 39-
43 центнердан хирмон кўта-
ришга мўлжал бўлишди. Шун-
дан кўра, деҳқончилик брига-
чи армияда ўтказган Ҳокимжон
Чориев, Мамақул Мада-
минов ўрқонлар бошлиқ бри-
гада аъзолари эса ҳар гектар
майдондан 37-38,5 центнердан
ҳосил териб олдилар.

Шудгорнинг ҳислатини ях-
ши пайқаб олган миришкор
пахтакорларимиз бултур ҳам
ана шу мўҳим агротехника тад-
бирини, йигит-терим анча чу-
қилиб кетган бўлса-да, 18 иш
кунинда тамомлашга муваффақ
бўлишди. Биз 20 декабр кунини
кўзга шудгорни бошлаб уни
қисқа муддатда тугалладик.
Биз 2 минг 200 гектар чигит
оқилладиган ерни икки корпус-
ли плуг билан 35-40 сантиметр
чуқурликда сифатли шудгор
қилдик. Л. Тўраев, Бо-
зор Шоймардонов, Жонобиёл
Эргашев, Эшму-мин Юлдошев
ва бошқа ўрқонлар бошлиқ бри-
гадалар шудгорлашни декабрь
ойининг ўрталаридаёқ тугал-

лашга муваффақ бўлишди.
Шудгорлаш олдиндан ҳар бир
гектар майдонга тулроқ карто-
граммаси асосида, ерларнинг
маҳаллий ва минерал ўғитга
бўлган эҳтиёжини ҳисобга ол-
ган ҳолда 300 килограмм ҳисо-
бада суперфосфат солинди.

Шу нарса қувончлики, шуд-
горлашнинг барвақт ва юқори
сифатли ўтказилганлиги ту-
файли бултур ўтган йилдаги
нисбатан ҳар гектар ердан
олинган ҳосил 2 центнер кў-
пайди. Колхозимизда кейинги
уч йилда пахтанинг ташириги
5 сўм арзонлашди. Биз дала-
ларин ер текислашдан маш-
налар — скрепер, бульдозер,
грейдерлар билан ишлашга кўч-
ганимиз ҳам анча қўл келмоқ-
да. Ҳозиргача 470 гектар ер-
ни механизмлар билан текис-
лаб қўйдик. Қолган майдошлар
ни эса чигит экиш бошлангун-
га қадар тула текислаб бўла-
миз.

Деҳқончилик маданиятининг
ўса бориши туфайли ҳосилдор-
лик осяпти ва хўжалигимизнинг
пул даромадлари ҳам кўпайиб
бормоқда. Бултур колхозимиз
4 миллион 600 минг сўм даро-
мад қилди. Биргина илпак пах-
танинг ўзидан ўтган йили 2,4
миллион сўм даромад олган
эди. Шундай қилиб энг мўҳим
агротехника тадбири бўлмиш
шудгорни барвақт ва си-

фатли ўтказилганлигимиз на-
тижасида бир йил ичида олган
даромадимиз 300 минг сўм кў-
пайди.

Биз маҳаллий ўғит жамга-
риш ишига алоҳида эътибор
бермоқдамиз. Белгиланган план-
га кўра бу йил 19 минг тон-
на маҳаллий ўғит тўплашимиз,
ҳар гектар ерга 10 тоннадан
гўнг солишимиз керак. Ҳозир-
ги кунгача 9 минг тоннадан зи-
ёд маҳаллий ўғит жамғариб қў-
йилди. Бу ишни муваффақият-
ли ўтказиш учун махсус транс-
портчи бригадалар тўзилди.
Ҳар кун 250-300 тонна гўнг
тўпланиб, далаларга чиқари-
лмоқда.

Колхозчиларнинг Бутунитти-
фок III съезди қарорлари,
КПСС Марказий Комитети де-
кабрь Пленуми, Ўзбекистон
Компартияси Марказий Коми-
тети январь пленуми қарорла-
ри ва Мирзачўл районидagi Ле-
нин номли совхоз ишчилари-
нинг атакпарварлик ташаббу-
сидан руҳланган колхозимиз
аъзолари беш йиллигининг сўн-
ги йилида 2 минг 200 гектар
майдоннинг ҳар гектаридан 37
центнердан «оғ олтин» етишти-
риш мажбуриятини олдилар.

Биз деҳқончилик маданиятини
гинимай ошира бориш, агротех-
ника қондаларига тула риоя
аитиш, мутахассислар, маслаҳа-
ти қўлон солиш йўли билан
ўз олимизга қўйилган ана шу
вазифаларни сўзсиз бажариб,
пахтачиллигини янада ривож-
лантиришни таъминлаймиз.

А. ҚУРБОНОВ,
Жарқўрғон районидagi
«Коммунизм» колхозининг
раиси.

КЎРАК ЧУВИЙДИГАН КОРХОНА

Ўзбекистонда биринчи шундай
цеҳ Пастдоргов районидagi Карл
Маркс номли колхозда қурилди.
Бу цеҳда электр двигателлари би-
лан ишлайдиган 10 та кўрак чу-
виш машиниси бўлиб, улар поток

лини яхши ташкил қилган. Пиввал-
тик қурилмалар машиналарга кў-
рак тушириб туради ва ўзлапуюқ
ва бошқа чиқилган чехдан таш-
лаб қириб чиқариб юборади. Қишлоқ
корхонаси бир кеча-кундузда 50

тонна кўракни чувиб ташлайди.
Цех қурилиши туфайли колхозда
ўтган мавсумнинг ўзидаёқ 10 та
трактор, 20 та яқин тракторчи ва
ходимлар бўшадди. (ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК

ХАБАРЛАРИ

СОЗ ЎТАПТИ

отарида қишлоқ айлани-
са яхши ўтипти.

СУТ КЎПАЙМОҚДА

М. МУҲАММАДИЕВ.

РИШТОН. «Комму-
низм» колхозининг қорва-
дорлари қиш фаслида
сиғирларни яхши пар-
варшлаб, кўпайиб сут
сони олаётганлар. Ҳу-
қуқлиқда 120 бош со-
ғи сиғир бўлиб, қишлоқ
сут олиш графиги ту-
сда бажариляпти. Са-
баби, сиғирлар майин
кашак, сифатли силос,
омикта концентрат би-
лан боқилляпти. Кол-
хоз сот тайёрлаш би-
ринчи квартал планин
ни бажарай деб қолди.
Шунингдек, қорвадор-
лар ҳар 100 бош си-
ғирдан 110 тадан бу-
зоғ олиш учун кураш-
моқдалар.

ЯККАБОВ. «Аван-
гард» давлат йилчилик
қилиш заводида қорва-
дорларни сот ўзлашти-
ляпти А. Умиров бош-
лаб бўлиб мавсумда
кўриш мўҳими. Бўли-
да 7 минг бош кўб бор,
бўлиб бирор боши нобу-
б бўлгани йўқ. Бу ҳа-
демай ҳар 100 бош
савлиқдан 120 тадан
қўб, 3 килограммдан
жуз олиш. 4 ярм
минг дона қоракўб те-
ри тайёрлаш планин
бажаришга яратилган
заминдир. Эгиз қўб-
олишни 170-180 бошга
етказиш учун кураша-
ляпти А. Рустамов,
О. Темиров, С. Жўра-
ев, Н. Бердиев, М. Да-
минов каби қўбонлар

ТАРАДДУД

КЕҒАЙЛИ. «Қора-
қалогистон АССР 40
йиллиги» совхозини қўб
нивоилари 38 минг бош
дан зиёд қўбни меҳр
билан парвариш қил-
моқдалар. 22 минг
бош савлиқнинг ҳар
100 бошидан 115 та-
дан соғим қўб олиш
ни кўдада тутмоқдалар.
Б. Арапов, Б. Тарас-
боев, С. Қурбонев, С.
Шуванов отарлардан
қўбизлашти мавсумига
таралди қўбни ишла-
ри тугалладил. Улар
нинг ҳар бири ўз ота-
ри бўйича 1500-2000
бош қўбз олишга аҳд
қилди.

А. ХҲЖАНБОВ.

З. МИРОВ,
С. ТУРДУЛИБЕВА,
Р. ГИЕСОВ.

ТАСС баёноти

Исроил ҳарбийларининг янги
жиноий ҳаракати хусусида шу
йил 12 февралда Қоҳира яқин-
даги Миср металлургия ком-
бинатига Исроил самолётлари-
нинг ҳужум қилганлиги ҳақида
совет ва жаҳон жамоатчилиги-
га бундан илгари маълум қи-
линганди. Комбинат ракета-
лардан ўққа тўтилганлиги ҳам-
да паппал бомбалари ва аста-
секин портлайдиган бомбалар
қўйилганлиги натижасида шу
торхонадан саксонга яқин иш-
чи ва хизматчи ҳадоқ бўлди ва
шунча киши оғир яралор қи-
линганди.

Исроил раҳбарлари Яқин

Шарқдаги вазиятни тинч сиё-
сий йўл билан ҳал этишни бу-
зишга уриниб, афтида, инсо-
парварликнинг оддий принци-
пларини ва халқаро ҳуқуқ нор-
маларини поймол этиб, ҳаддан
ошиб кетган, ҳар қандай қи-
рих ҳаракатларни қилишга тай-
ёр бўлса керак. Исроил ҳар-
бийлари ва уларнинг қўлига ку-
рол бераётган кишилар дўш-
мис ва қўрқитиш йўли билан,
машғум агрессияни қучайти-
риш йўли билан араб мамла-
катларини, аввало Исроилнинг
қўшнларини ўзининг қонуний
маффаатларидан воз кечишга
ҳамда империалистларнинг та-

лабларини қабул қилишга маж-
бур эта оламиз, деб ўйлаётган
бўлсалар керак.

Илгарини, агрессорлар ҳам,
ҳозирги агрессорлар ҳам бир
жиҳатдан бир-бирларидан асло
фарқ қилмайдилар. Булар та-
рих сабоқларини тез унутиб
қўйишди. Эришяётган вақ-
тинчалик ютуқлари уларни гай-
синиб қўймоқда. Аммо бу агрес-
сорлар ҳамма вақт оқибатда жа-
зога учрайдилар. Яқин Шарқда-
ги воқеалар ҳам бундан мус-
тасно эмас. Исроил агрессор-
лари жиноятлар қилган сари
халқларнинг уларга нисбатан
чиқарадиган ҳўтими ҳам шу қа-

дар оғир бўла беради. Халқлар
Исроил давлати олиб бораётган
ва ўз моҳияти билан импери-
алистик таъқиқ сифатига янги
мустамакачиликка хизмат қи-
ляётган қурол деб, ҳақли ра-
вишда лаънатлар ўқимоқдалар.

Совет халқи Исроилнинг ваҳ-
шийларча, агрессив ҳаракатла-
рини кескин қоралайди. Совет
халқи ўзининг қонуний ҳуқуқ-
лари учун курашяётган араб
халқи билан бирлашляпти
изҳор қилади. Совет Иттифоқи-
нинг сиёсати Яқин Шарқ рай-
онига тинчликни қарор
тиришга ҳамда миллатларнинг
бир-бирига қириштини қучатиш-
га, урушларнинг тугатилишига
қаратилган. Бинобарин бизнинг
мамлакатимиз шу йўлдаги тай-
ра-ҳаракатини бўшаштирмай-
ди.

Агрессор Бирлашган Мил-

латлар Ташкилотини Уставини
принципларини ва мақсадларини
поймол қила бераман, Исро-
ил агрессиясининг оқибатлари-
ни тугатиш ҳамда Яқин Шарқ-
да тинчликни тиклаш тўғриси-
да шу халқаро ташкилотнинг
чиқарган қарорларини поймол
қила бераман. Совет Иттифоқи
араб давлатларига ўз халф-
сизлигини, ўз адолатли манфа-
атларини ҳамоя қилиш қонили-
ятини мустаҳкамлаш йўлида за-
рур маддади қўрсата беради.

Агрессиянинг жиноий сиёса-
ти халқларнинг миллий озод-
лигини ва халфсизлигига қасд
қилишни тобора кучли зарбага
учрамасдан қолмайди. Халқаро
тинчлик пойдеворини мустаҳ-
камлаш манфаатлари ҳам бунинг
қатъий талаб қилмоқда.



ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛТИДА

ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

◆ БЕРЛИН. Франкфурт-Одерда «Ишчилар синфининг эиблилар билан иттифоқи» тўғрисида Лениннинг айтилган «деган мавзуда» конференция ўтказилди. Конференцияда сузга чиққан нотиқлар демократияни ривожлантириш учун, Германия Демократик Республикасида социализм негизларини қурмоқ учун Ленин меросининг аҳамияти жуда катта эканлигини уқтириб ўтилар.

◆ БУХАРЕСТ. Бухарестдаги «Трибуна Рошине» машинасозлик заводларида ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Механика заводининг директори В. Младин Октябрь революцияси йўлбошчисининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида доклад қилди.

Заводда В. И. Лениннинг рўмин тилида нашр этилган асарлари кўргазмаси очилди.

◆ УЛАН-БАТОР. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги арафасида, деб ёздаи МОНЦАМЭ агентлиги, Монголиянинг суз усталири Илчи образини бадиий адабига таъдирлаштириш йўлида кўп иш қилмоқдалар. Ленин юбилейига етилган «Ленин ҳаммадан ҳам бах-хаё» деган асар нашр этилади (ТАСС).

МУҲИМ ТАШАББУС

◆ ВАРШАВА. 16 февраль. (ТАСС). Уч Ғарбий давлат раҳбарлари А. Н. Косигин йўллаган мактублар гойат муҳим ва ақтуал эканлигини Исроилнинг Абу Забалда қилган жиноятлари яна бир марта ақдул кўрсатди, деб ёздаи «Трибуна» луду» газетаси. Қўҳира яқинидаги металлургия заводига Исроил авиацияси қилган ҳужум шарҳланган шу мақолада айтиладики, Абу Забалда қилган жиноятдан кузатишган мақсад Исроилнинг кучини намоиш қилиш ҳамда СССР АҚШ Англия ва Франция монархиини тўғи билан бартараф қилиш учун Ғаро маслаҳат қилганликлари беҳуда бир нарсани аниқлашни кўрсатишдан иборат бўлди. Бу жиноят Яқин Шарқда тинчликни қайта тиклашни талаб этаётган жаҳон жамоатчилигига илвоғардиг билан қилинган

яна бир дағдага бўлди. Совет ҳукуматининг бошлиғи Исроилнинг араб мамлакатларига қилаётган жиноий ҳужумларини тўхтатиш, оқуялардан Исроил қўҳишларини чиқартириб юсриш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Хамфснинг Кенгашининг ва Бош Ассамблеясининг резолюцияларини бажартириш зарурлигини уқтиради.

◆ БУДАПЕШТ. 16 февраль. (ТАСС). Венгриядаги «Непсава» газетаси бундай деб ёздаи: СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигиннинг АҚШ президенти Никсоига, Англия бoш ми-нистрини Вильсонога ва Франция президенти Помпидуга йўллаган мактублари Исроил раҳбарларининг Бирлашган Араб Республикасига ва Ғаро ҳужум қилганлиги болгар меҳнаткашларини ни-ҳоятда ғазаблантирганлиги

ни билдирди. Импералистларнинг Ғаро билан араб ҳақдорли-га қарши илвоғардиги да-вом этиляётган Исроил аг-рессорларининг жиноий ҳа-ракатлари болгар ҳалқини да-влатлар айтмоқда.

◆ ПАРИЖ. 16 февраль. (ТАСС). «Юманите Деманш» газетасининг сиёсий обзори-чи И. В. Моронинг шу га-зетада босилган мақолада айтиладики, Яқин Шарқ проблемасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Хамфснинг Кенгашининг 1967 йил 22 олбрдаги резолю-цияси асосидан ҳал қилиш мумкин. Исроил ҳуку-мати халқро ҳуқуқини ҳур-матлаши керак. Исроил ўзи окупация қилиб турган араб территорияларидан ўзининг қўҳишларини олиб қичиб кетмас экан, Яқин Шарқда тинчликни қайта тиклаш мумкин эмас.

ШОҲЛИ САНА

Озодин Матбуот Агентлиги Жанубий Вьетнамдан хабар беради: Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати-нинг музоффа министри-лиги ва Озодин халқ ку-ролли кучлари қўҳон-донлиги Озодин халқ ку-ролли кучлари тузил-галигининг тўқинчи йил-лиги муносабати билан тантанали маросим ўт-каздилар. Жанубий Вьет-нам Республикаси Мувақ-қат революцион ҳукумати номидан табрик нутри сузлаб, халқ озодин ку-ролли кучлари жанги-лари ва командирларини эршишган ғалаба-лар билан кўнлади ҳам-да батанин олод қилди-нишда уларга ялғиздан-лиги муваффақиятлар тилади. (ТАСС, 16 февраль).

ДУМЛИ ЮЛДУЗ КҮЕШГА ЯҚИНЛАШДИ

КОМЕТА (думли юлдуз) кўешига яқинлаш-масдан анча наридаёқ чўғ бўлиб қизиб бошлади ва унинг шуъласи ҳам яқинлаш кетди. Думли юлдуз кўешига яқинлаша борган сари шуъласи-нинг яқинлаши ҳам куч-чабориши керак эди. Лекин астрономлар бош-кача манзарани кўрмоқ-далар — думли юлдуз бирданга сўна бошлади. Аксар олимлар бунини думли юлдузнинг асосий массаси ёниб бўлганлиги учун у сўниб қолди, деб изохлаб келдилар. Бироқ, бу тахмин кузатиш-лар натижасида олнинган маълумотларга тўғри келмай қолди: Сўниш кетмадан тез-яқинлаш-нинг яқин босқичи бош-ланганлиги маълум бўй-ди.

Памирда ишлаб турган ёш олим Палла Егил-беков бу сирли ҳодисани изохловчи аниқ далил-ларни айтиб берди. Унинг қилган фаразига кўра, кометанин айланиш ўқи-шу комета орбитасининг сатҳидидир. Бошқа суз билан айтганда кўеши яқинида ёш бўйлаб ҳа-ракат қилаётган ядро кўеши-га турли вақтларда ё-қутб томонлари ёни эк-ватор томон билан бу-рилиб туради. Бунинг натижасида комета юза-сининг қизими ҳам тур-ли бўлади. Палла Егил-беков ўзининг хисобласи-ни математик хисобласи-билан исботлаб қили-б берди. Унинг тахминини кузатиш натижаларига кўра равишда мос бўлиб тушди.

Атоқли совет астрофи-зиклари ёш олимнинг тадқиқотини диққатга са-завор ва жуда муҳим деб ҳисобламоқдалар. Л. ПЕВТИН. (ТАСС мухбири). Душанба.

ЯНА БИР МАШҚ...

ЛИМА. 16 февраль. (ТАСС). Футбол бўйича СССР терма командаси бу ерда Перу терма командаси билан ўчрашди. Ўйин 0:0 ҳисобида туади.

АП агентлигининг мухбири хабар беришча, коман-дизининг ҳужумчиси Герш-кович тўғини майдон эгалари дарвозасига қиритган эди. Бироқ унрашуга судьялик қилган перулик Альберто Тетасо Гершковични ана шу вақтда ўйиндан ташқари ҳо-латда турган эди деб қир-итилган тўғини ҳисобламади. Танафусдан сўнг ўйин бир-мунча қонланлиб кетди. Ун-рашувининг 61 минутига Крузадо ўрнига майдонга қичқан перулик ҳужумчи Сотиль беш метрлар чамаси-дан дарвозага тепган тўғини штангага тегиб қайтди. Со-вет футболчилари ҳам ҳи-собни очиш учун бир қанча имкониятларини қўлдан бер-дилар.

Совет командаси қуйидаги составда ўйнади. Рудаков, Додзуаувили, Шестерев, Ловчев, Хурдилава, Серб-ряников, Мунтян (Киселев), Асташиев, Билосев (Пузат), Гершкович ва Нодия. Совет футболчилари Перу-даги ўларларнинг иккинчи унрашувларини бугун ўтқа-зидилар.

ГОЛЛАНДИЯ. ҚИШ ТУШИШИ


билан Амстердамнинг кўлаб наамаллари муз билан қопла-нади. Голландия пойтахтининг аҳолиси ўларларнинг бўш вақт-ларини ана шу муз устида саяр қилиб ўтказишни яқини кўришади.

АПН-ТАСС фотоси.



Қозон университетининг зо-ология музейи яқин қизқ эк-спонат — квагга тулуми билан тўдирилди.

Тулум 1843 йилда Гамбург-дан Қозонга келтирилган эди. У ақин ясалмаганидан уни-верситетнинг зоологлари ту-лумини росмана қилишга қарор берган эдилар. Тулум ёериси шилиб олиниб шафга қўйил-ди ва ўша ерда 125 йил қо-либ кетди. Шундай қилиб, яқинда СССР Фанлар ака-демиясининг Ленинграддаги зо-ология музейининг тақсидер-мист рассоми М. А. Заслав-ский тулумни қайтадан қи-тиклади. У кваггага та-



ЧССР. Яқинда Врошесдаги яқини газ заводи маҳсулот бера бошлади. Ҳозир у бир неча кунларда 240 минг куб метр газ беради. Заводи-нинг барча қувватлари ўзлашти-рилгандан кейин у республикада энг яқини корхонага айланади ва йилга 1 миллиард 300 миллион кубметр газ ишлаб чиқаради. Суратда: заводи-нинг бутун иши шу ердан ту-риб бошқарилади. ЧТК-ТАСС фотоси.

ИНГЛИЗ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ НАМОЙИШИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Англиянинг турди шаҳарларида инглиз фермерларининг (деҳқонлари-нинг) яқини намоишлари бў-либ ўтди. Дарлингтон қўла-лири минглаб намоишчилар би-нан лик тўлди. Бир километрга қўзилган намоиш налонна-



ри шаҳардаги бутун қатновини тўхтатиб қўйди. Инглиз деҳқонларини ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиқ ҳўхтисларига бериладиган маб-лағларни қўпайтиришни ва қишлоқ хўжалиқ маҳсулот-ларининг қишлоқ мархаларини оширишни талаб қилмоқдалар.

Национал-демократик партиянинг 15 февралда бу ерда турган «сўзсиз» Ғар-бий Германиядаги гитлерчи фашистларнинг издохлари ўз фаолиятларини актив-лаштириш ниятида эканли-гини кўрсатди. Ҳукумат маъмурадининг маълумла-ши билан полиция оятрадла-рининг ҳимояси остида ўт-казилган бу йиғиндан нацио-нал-демократик партиянинг қорчалонлари аввало ре-ваншистик ва шовинистик кайфиятларини беиҳво ав-жига миндириш учун фойда-ландилар.

Национал-демократик партиянинг фюрери Адольф фон Таден ва унинг мух-лислари икки кун давом эт-ган йиғилишда кетма-кет шўқ сузлаб, Геббельс руҳи-даги гапларни такрорлади-лар. Яқини нацистларнинг бу йиғилиши партия правлене-си ишлаб чиққан ва «1970 йилги Вертгейм манифести» деб аталган партиянинг яқини платформасини қабул қилди.

Бу «манифест»да нукул баландларвоз гаплар билан бир қаторда национал-демо-кратик партиянинг конкрет мақсадлари ҳам белгилаб берилди. Чунотчи, яқини фа-шистлар Европа мамлакат-ларининг четгавларини бош-қатдан тузишни талаб қи-лмоқдалар. Полша, Совет Иттифоқи ва Чехословакияга қарашли ерларини даъво эт-моқдалар. Улар Германия Демократик Республикасини таниш тўғрисидаги талабни рад этмоқдалар ва «ўз тақди-рини ўзи белгилаш ҳуқуқи» деган гаплар билан иқтибала-ли, социалистик герман дав-латини туратишни талаб қи-лмоқдалар.

Национал-демократик партия аниқлашди антикоммунизм-ни авж олдиришни ўзига асосий назифалардан бири қилиб олган. Партиянинг раҳбарлари коммунизмга қарши курашни «қучайти-ришни» талаб этмоқдалар. Таден национал-демокра-тик партиянинг бу сафар ҳам фюрери қилиб сайлан-ди.

ЯНГИ НАЦИСТЛАР ЎЗЛАРИНИ

САФАРВАР ҚИЛМОҚДАЛАР

ВЕРТГЕЙМ. 16 февраль. ТАСС мухбири Ю. Борисов билан А. Сененков хабар берадилар: Яқини нацист партия — национал-демократик партиянинг 15 февралда бу ерда турган «сўзсиз» Ғар-бий Германиядаги гитлерчи фашистларнинг издохлари ўз фаолиятларини актив-лаштириш ниятида эканли-гини кўрсатди. Ҳукумат маъмурадининг маълумла-ши билан полиция оятрадла-рининг ҳимояси остида ўт-казилган бу йиғиндан нацио-нал-демократик партиянинг қорчалонлари аввало ре-ваншистик ва шовинистик кайфиятларини беиҳво ав-жига миндириш учун фойда-ландилар.

Национал-демократик партиянинг фюрери Адольф фон Таден ва унинг мух-лислари икки кун давом эт-ган йиғилишда кетма-кет шўқ сузлаб, Геббельс руҳи-даги гапларни такрорлади-лар. Яқини нацистларнинг бу йиғилиши партия правлене-си ишлаб чиққан ва «1970 йилги Вертгейм манифести» деб аталган партиянинг яқини платформасини қабул қилди.

Бу «манифест»да нукул баландларвоз гаплар билан бир қаторда национал-демо-кратик партиянинг конкрет мақсадлари ҳам белгилаб берилди. Чунотчи, яқини фа-шистлар Европа мамлакат-ларининг четгавларини бош-қатдан тузишни талаб қи-лмоқдалар. Полша, Совет Иттифоқи ва Чехословакияга қарашли ерларини даъво эт-моқдалар. Улар Германия Демократик Республикасини таниш тўғрисидаги талабни рад этмоқдалар ва «ўз тақди-рини ўзи белгилаш ҳуқуқи» деган гаплар билан иқтибала-ли, социалистик герман дав-латини туратишни талаб қи-лмоқдалар.

Национал-демократик партия аниқлашди антикоммунизм-ни авж олдиришни ўзига асосий назифалардан бири қилиб олган. Партиянинг раҳбарлари коммунизмга қарши курашни «қучайти-ришни» талаб этмоқдалар. Таден национал-демокра-тик партиянинг бу сафар ҳам фюрери қилиб сайлан-ди.

Яқини нацистларнинг Вертгеймдаги йиғини бундастага ўтган йил қуздаи ўтказилган сайловларда национал де-мократик партия муваффа-қиятсизлиққа унрагандан кейин Германия Федератив Республикасида яқини фа-шизм ҳаффи йўқолди, деган гаплар пўч эканлигини яқ-қол кўрсатди.

тердам зоология бoғида 1882 йилнинг август ойигача яша-ган. Бизнинг мамлакатимизда бундан бўён квагга тулуми фақат қозон университетининг зоология музейидагина кўрса-тилади. Ердаги ҳайвонотнинг қириб битирилган бу туридан жаҳонда жами 8 тагина тулум қолган.

А. ДЯЧЕНКО (ТАСС мухбири).

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БҮГҮН

6.15 — Тонгги концерт, 8.25 — Республика санга усталарининг концерти, 9.30 — К. Хўжаев, «Рўзвонгу» симфония поэмаси, 9.50 — «Қоҳқоҳ ҳўхтининг қону-ни» (сонетлар), 10.10 — А. Ха-та, «Концерт» — рафсонаи, 11.15 — Буюк ғалабанин 25 йиллиғи олдидан. Тарих фанлари доктори Д. Қалимбетовнинг «Ўзбек халқи-нинг Улуғ Ватини урушидаги ғала-бага қўшган ҳиссаси» деган суҳ-бат, 11.30 — С. Ғанибеков, «Ўз-пан» балетидан сюита, 13.30 — Д. Зинина, О. Воронен ва А. Гри-горьев концерти, 15.15 — «Қиш-лар томон» Украина радиосининг эшитириши, 16.10 — «Музигани қандай тушунмоқ керак» деган суҳбатли концерт, 16.50 — «Пра-да» газетасининг обзори, 18.00 — «Маданият саройимизга келинг» деган репортаж (русча), 18.15 — «Бошла бизни, партия!» деган му-анализ-алабей концерт (русча), 18.40 — Спорт эшитириши (рус-ча), 19.20 — Қоҳқо қуйлари, 20.00 — «ЎЗБЕКИСТОН» «НИЧИСИ» ра-диожурнали, 20.30 — Санга ход-имлари учун концерт, 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Қишлоқ хўжалиқ меҳнаткаш-лари учун концерт, 22.20 — Х. Я-вев шеърлари ва қўҳишлари, 23.15 — «Дам олиш соатида» де-ган концерт.

ИКИНЧИ ПРОГРАММА 17.55 — Тошкент кўрсатади. Рус тилида. 18.00 — «Старше-класси» программаси, 18.45 — Хўжаикли фильм, 19.20 — Эстра-да нуйлари. Ўзбек тилида: 20.00 — Теле-фильм, 20.45 — «Ешли» студия-си кўрсатади, 21.25 — «Сенинг остоимда» (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА 18.00 — Фрунзе телестудияси-нинг кўрсатувлари.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 17.55 — Тошкент кўрсатади. 18.00 — Телеялғизликлар. Ўзбек тилида: 18.15 — Ленин-ча меҳнат вахтасида, 18.30 —

САНЪАТ САРОЙИДА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ФАШИЗМ УСТИДАН ҒАЛАБА ҚОЗОНГАН КҮННИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА 22 февралда

«ҚИРҚ БИРИНЧИ ЙИЛ ОЛМАЛАРИ»

ЯНГИ КЕНГ ЭКРАНЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМ

ПРЕМЬЕРАСИ

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» киностудияси маҳсулоти. Сценарий автори — ДМИТРИЙ ХОЛЕДЯКОВ. Постановка режиссёр — РАВИЛЬ БОТИРОВ. Бош оператор — Т. ЭФТИМОВСКИЙ. Рассом — Н. РАХИМБЕКОВ. Композитор — Г. ВИЛЬДАНОВ. Овоз оператори — Е. ШАДКИН. РОЛЛАРДА: Чол — Наби РАХИМОВ, Анвар — Ш. ЭРҒАШЕВ, Одил — У. САЛИМОВ, Мансур — С. АХМЕДОВ, Гул — Т. АХМЕДОВА, Майя — Е. СИЧИНСКАЯ, Федина — А. ФИЛОЗОВ, Пичу — И. КЛАСА, Саид — Б. ИХТИЕРОВ. 22 февралда кеч соат 7 да фильм кинодорлари билан унра-шуи ўтказилади. Сеанслар: кеч соат 7 ярим ва 9 яримда. 23 февралдан бошлаб: эрталаб соат 11, кундуз 1, 3, 5, кеч 7 ва 9 да бошланади. Коллетив бўлиб кўриш учун заявналор қабул қилинади. Олдиндан билет сотиш нассаси эрталаб соат 10дан кеч 9гача очил. Справки учун телефонлар: 44-21-74, 44-56-18.

ЎЗБЕКИСТОН САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА КАСВ НАСАЛЛИ-ЛАРИ ИЛМИЙ ТЕНШИРИШ ИНСТИТУТИ

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

бўлим мудирлари: меҳнат гигиенаси, оқиқатлиги гиги-наси (дошторлар, медицина фанлари кандидатлари); катта илмий ходимлар (медицина фанлари кандидатлари) ва ил-мий измий ходимлар (лабо-раторияларга); тупроқ ва сув гигиенаси, радиация гигиена-си, атмосферали ҳаво гиги-наси, санитария багтероло-гии, микробиология ва турар-ий гигиенаси, тақини муҳи-да пестцицидларнинг қир-қилиши, оқиқатлиги маҳсу-лотда пестцицидларини норма-лаш ва тартиблар белгилаш, ақо-ли оқиқатлиги маҳсулотини текшириш, меҳнат физиоло-гии ва микробиология, шон-қин ва тарбияш, пестцидлар гигиенаси ва токсикологияси, санга токсикологияси ва химия санитарияси, морфология, да-ла гигиенаси, полимерлар то-ксикологияси ва чапаш ма-териаллари, радио биохимия-си, клиник диагностика, сани-тар экспертизаси, илмий тап-шилий бўлим.

Конкурс муддати — эълон-чиққан кундан бошлаб бир ой. Мувожаат учун адрес: Тош-кент 56, Цикловский кўчаси, 325 уй.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҚУРЛИШИ МИНИСТРЛИГИГА

Министрликда ва трестларда ишлаш учун. Катта инженерлар ва бўли-лар бошлиқлари лавозимига тақрибали инженер-руководи-лар ҳамда катта бухгалтер-ревизорлар

КЕРАК

Мувожаат учун адрес: Тош-кент шаҳар, Пролетар кўчаси, 15 уй.

КОЛХОЗ, СОВХОЗ РАҲБАРЛАРИ ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ОРГАНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Кинофильмлар прокати

бўйича Тошкент область контораси фондида

кент миқдорда 35 ва 16 миллиметрли ленталарда агро-техника билими асослари, қишлоқ хўжалиқ оғиналарини илгор методлар билан қиш-лаш, ветеринария ҳар турли қишлоқ хўжалиқ маши-налари ва агрегатлари эк-сплуатацияси ва тузилиши, қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқ-ариши илгорлари ҳақида

Илмий-оммавий, ўқув ва хроникал-хўжжатли фильмлар

МАВЖУД

Бу фильмлар хўжалиқларга амалий ишда катта ёрдам беради.

Кинофильмлари намоиш қилиш бўйича саовлар билан райо-лар киноаппаратлари ди-рекциясига, ўларларда кино ру-рилмалари бўлган хўжалиқлар эса Тошкент область кинопро-катига мувожаат қилсинлар: Тошкент-100, А. Қаҳқор кўча-си, 35 уй, Фильмларга заявналор чен-лашмидан 5-6 нун олдин қа-бул қилинади.

Г. Гулом номидиги Сирдарё Давлат педагогика институтини коллективни институтининг ўқув ва илмий ишлар бўйича про-ректора Ю. А. Абдувалиевага отаси

Абдували Абдурахмоновнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қи-лади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336543, Редактор ўринбосарлари — 337914, 336923, Маъсул секретари — 334455, Маъсул секретари ўрин-босарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455, Халқаро хабар — 332126, Санга таърият қурилиш ва транспорт — 334780, Совет нурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиғи — 337604, Аллобей ва санга — 332036, 337221, Фан, маънаф ва олий ўқув юртилари — 334451, Махаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва катла-р — 336679, 333553, Иллатрастрия — 334524, Стенография — 337343, Коррентура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммуторлар — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48-85, Бухоро 3-31-42, Қарши — 38-42, Нукус — 42-62, Самарқанд 31-972, Термиз 23-27, Урганч 34-55, Гулистон — 22-09.